# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

28 (1138) 11-iyul 2014

www.xabar.uz
info@xabar.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI


**Янги рукн:**

## АСРИЙ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

**Мазкур рукн остида газетамизда туркум мақолалар бериб боришни лозим топдик. Илк мақоламиз Тошкент вилоятига бағишланади.**

Ҳадемай халқимиз ўзининг энг буюк ва муқаддас айёмини нишонлайди. МУСТАҚИЛЛИК. Шу биргина сўз замирида оддий ҳақиқат намоён — асрий орзуларимиз ушалмоқда.

Ўтган салкам чорак асрлик бир давр Мустақил Ўзбекистоннинг танлаган тараққиёт йўли ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини кўрсатди. Мамлакатимиз баравж юксала бориб, қўлга киритган улкан натижаларини жаҳон аҳли эътироф этмоқда. Адибларимиздан бири юртимиз мустақилликка эришган кезларда "Кейинги 70 йил давомида халқимиз бошига ағдарилган фалокатлардан бири дунёдан бехабарлик фалокати эди", дея ҳақли эътироф этганди. Инсоният йигирма биринчи аср — Ахборот асрига қадам қўйгач бу ҳақиқатни янада теранроқ англай бошладик. Билдикки, бу дунёда халқу элатлар кўп экан. Илму ирфонда кимўзар пойгалар авжга чиққан, отам замонидан қолган ашёю аъмол билан ҳеч нарсага эришиб бўлмас экан. Хуллас, янги асрда яшаб-унмоқчимисан, илм қил, ўқи-излан, янгиликка қўл ур. Ахир ўзбекнинг чекига фақат пахтаю дала тушган эмас, ахир бугунги фан-техника, ахборот технологияларининг негизини ташкил этувчи риёзиёту алгоритмларни бизнинг донишманд боболаримиз минг йиллар олдин кашф этишганку!

8-9-бетлар

# Интернет — тараққиётнинг қон томири



**Тадқиқотларга кўра, ривожланаётган мамлакатларга интернетнинг кенг кириб бориши 140 миллион янги иш ўрни ташкил этилиши, миллионлаб инсонларнинг турмуш даражаси яхшиланишига олиб келар экан.**

**Биз яшаб турган олам интернет пайдо бўлганидан кейин кескин ўзгарди. Китоб, радио, телевидение, мобил телефоннинг ихтиро қилиниши дунё тамаддунини ҳар сафар янги босқичга олиб чиққан бўлса, интернетнинг юзага келиши жараённи янада тезлаштириб юборди. Глобал тармоқ инсон ҳаётининг параллел оламига ва кўмакчисига айланди. У шунчаки мулоқот ва алоқа воситаси эмас, у замонавий тараққиётнинг қон томири. Интернет – ёшларга илм олишга, катталарга ўз ғояларини такомиллаштириш ва юзага чиқаришга, компанияларга халқаро ҳамкорлар ва янги мижозлар топишга, мамлакатларга эса "Электрон ҳукумат" тизимини йўлга қўйишга кўмак беради.**

3-бет

**Сўнгги янгилик!**



Канаданинг Алберта университети тадқиқотчилари углеродли наноматериаллар асосида ҳозир қўлланилаётган литий-ионли стандарт батареяларга қараганда тезроқ заряд олувчи ва узоқроқ ишлаб берувчи батарея ишлаб чиқишди. Бу батарея айни пайтда изланишлар кетаётган литий-олтингугуртли ва литий-ҳаволи батареялардан афзалроқ дейилмоқда.

"Мазкур "углерод-фторли" ишланмада углерод одатдагидек анод вазифасида эмас, балки катод ўрнида хизмат қилади", — дейди мазкур технологияни амалиётга татбиқ этиш билан шуғулланаётган AdvEn Solutions компанияси техник директори, материалшунос олим Синвэй Цуй.

**УШБУ СОНДА:**


Абитуриент-2014 2

Ҳавога учган 80 миллиард 4

Какой сайт должен быть у АО? 6

Олимнинг янги ютуғи 10

Германия ёки Аргентина?! 15

Юз билан юзлашиб 16

Теледастурлар, спорт, кроссворд

## Jumadan Jumagacha

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Геодезия ва картография тўғрисида"-ги қонуннинг "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасида ижро этилиши юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил фаолияти якунлари кўриб чиқилди.**

● Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 1 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қароридан келиб чиқадиган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

**● Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашида мазкур жамоат ташкилотининг журналистика соҳасидаги "Инсонга наф келтириш — олий бахт" республика танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Бу йилги танловда босма ва электрон оммавий ахборот воситаларидан 120 нафардан ортиқ ижодкор 600дан ортиқ ижодий иши билан иштирок этди. Ғолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар топширилди.**

● Пойтахтимизда "Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси" республика танлови ўтказилди. Мазкур танловнинг мамлакат босқичида 14 нафар ёш ўқитувчи қатнашди. Унда Муборак ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси Нодира Умирова биринчи, Бухоро муҳандислик технология институти қошидаги 1-академик лицей ўқитувчиси Феруза Жумаева иккинчи, Навоий давлат кончилик институти қошидаги 2-академик лицей ўқитувчиси Ўктам Мардонов учинчи ўринга сазовор бўлди.

**● Ўзбекистон миллий матбуот марказида фермер хўжаликларини лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда фермерларни лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси ва истиқболдаги вазифалар тўғрисида батафсил маълумот берилди.**

● "Соғлом бола йили Давлат дастури" амалга оширилиши доирасида Германиянинг Динслакен шаҳрида (Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ўлкаси) ўзбек болалари ижодий ишларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси томонидан "Fritdensdorf International" халқаро хайрия ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

# Почта жўнатмаларингиз

## етказилишини кузатиб боринг!

**"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан 2006 йили штрих код асосида халқаро кирувчи жўнатмалар ўтишини мониторинг қилиш автоматлаштирилган тизимининг биринчи босқичи фойдаланишга топширилганди. Ушбу тизим расмий веб-сайт (pochta.uz) орқали адресатга жўнатманинг ўтиши ҳақида маълумот олиш имкониятини беради.**




2011 йилнинг сентябр ойида рўйхатга олинувчи почта жўнатмалари ўтиши мониторинги автоматлаштирилган тизими (РОПЖМАТ-)нинг иккинчи босқичи ишга туширилди. Тизимга "Халқаро почтамт" филиали, 15та почта алмашув маскани, шунингдек, 173та ПАТСУ ва 13та филиал ишлаб чиқариш участкаларининг автоматлаштирилган иш жойлари (АИЖ) боғланган эди. Ҳозирги кунда тизимга 385 почта алоқаси объектининг 418та АИЖлари уланган (2013 йил якунида 356 почта алоқаси объектининг 389та АИЖ уланганди).

Шунингдек, Бутунжаҳон почта иттифоқининг PNG тизими орқали дунёнинг 17 мамлакати (жумладан, Германия, Белгия, Эрон, Россия, Америка ва бошқалар) билан РОПЖМАТ ва унга ўхшаш тизимлар ўртасида электрон ахборотлар алмашинуви йўлга қўйилган. Келгусида бошқа хорижий давлатларнинг почта операторлари билан ҳам шундай алоқаларни йўлга қўйиш ишлари давом эттирилмоқда.

Ушбу тизим почта алоқаси ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш билан бирга почта мижозларига pochta.uz сайти орқали жўнатманинг хос рақами бўйича халқаро ва республикаичи жўнатмасининг ўтиши ва етказилиши ҳақида маълумот олиш имкониятини беради.

Жўнатма ҳақида маълумот олиш учун юборувчи веб-сайтнинг "Рўйхатга олинадиган почта жўнатмаларини қидириш" қисмида белгиланган майдончасига жўнатманинг рақамини киритади ва жўнатилган ёки кириб келаётган жўнатманинг турган жойи ёки етказилганлиги ҳақидаги ахборотни олади. Таъкидлаш лозимки, жўнатма ҳақидаги аниқ маълумотни почта операторларининг қидирув тизимларида жўнатма қабул қилингани ва рўйхатга олингани акс эттирилганидан сўнггина олиш мумкин бўлади.

Почта алоқаси бўлимларининг РОПЖМАТга боғланиши иш унумдорлигини ошириш ва кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилаш ҳамда почта жўнатмаларининг белгиланган манзилларга етказилишини назорат қилиш имкониятини яратади, — дейилади "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ матбуот хизматининг хабарида. Жамиятнинг ҳудудий филиалларида қолган почта алоқаси бўлимларининг автоматлаштирилган иш ўринларини босқичма-босқич РОПЖМАТга боғлаш ишлари давом эттирилмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

# ТАТУ махсус сиртқи бўлимига кимлар ўқишга қабул қилинади?

Мамлакатимизда фақаттина иккита олий ўқув юртида махсус сиртқи бўлимлар мавжуд. Шулардан бири Тошкент ахборот технологиялари университети ҳисобланади. Таҳририятимизга университетнинг махсус сиртқи бўлими ҳақида батафсилроқ маълумот беришимизни сўраб, мурожаатлар бўляпти. Махсус сиртқи бўлимга кимлар ҳужжат топширишлари мумкин ва қайси йўналишларда мутахассислар тайёрланади?

ТАТУнинг махсус сиртқи бўлими Телевизион технологиялар факултети қошида ташкил этилган. Шу сабабли ушбу бўлимнинг асосий вазифаси — телевидение соҳасида фаолият олиб бораётган ёки шу касбни танлаган ўрта маълумотга эга техник мутахассисларнинг маълумотини оширишга қаратилган. Унга ҳужжатлар қабул қилишда икки ҳолатга эътибор қаратилади:

Биринчиси, ўрта-махсус маълумот сиртқи бўлим йўналишига мос ёки турдош бўлиши лозим.

Иккинчиси, танлаган йўналиш бўйича 3 йилдан кам бўлмаган стажга эга бўлиши керак.

Шунинг учун одатий ҳужжатларга қўшимча равишда ишлаётган корхонасидан тавсия хати ва меҳнат дафтарчасидан нусха сўралади.

## Истиқлол солномаси

1992 йилнинг январида алоқани ташкил этиш, тартибга солиш ва ривожлантириш соҳасида умумий-ҳуқуқий муносабатларни белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасининг "Алоқа тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Мамлакат ҳукумати кўмагида 1992 йил июл ойида NEAX Халқаро йўлдошли алоқа станцияси олинди ва Япония йўналишида 20та канал ташкил қилинди. Шу йили IBS типидаги йўлдошли коммутация алоқа станцияси келтирилди ва Туркия йўналишида 30та канал ташкил этилди. Бу — Ўзбекистонга халқаро телекоммуникациялар тармоғига чиқишни ҳамда мамлакатнинг алоқа соҳасидаги мустақиллигини таъминлади.

Соҳани ривожлантиришга қаратилган инвестицияларни жалб қилиш мақсадида халқаро ташкилотлар талабларига жавоб берадиган институциявий шаклланиш жараёни бошланди ва илк аниқ қадам сифатида, 1992 йили МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, соҳа — почта алоқаси ва электралоқага ажратилди.

1-бет

# Интернет - тараққиётнинг қон томири

Wi-Fi

### Таянч восита

Инсоният ўз тарихида доим бирор бир воситага таяниб ривожланган: тош асрида — тошлардан ясалган қурол-аслаҳаларга, мис даврида — мисдан ясалганларига... Кейинчалик илм-фан асосида юзага келган воситалар турмуш даражасини юксалтириб борди. XXI асрда интернет — инсониятнинг асосий таянч воситаларидан бирига айланади. Ривожланиш, тараққиёт ва юксалишни усиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бугун дунёнинг энг йирик компаниялари ва энг бой шахслари орасида интернет воситасида бизнесни ташкил қилганлар сони кўпчиликни ташкил этади. Улар тажрибасидан кўриш мумкинки, бу шахслар нафақат ўз имкониятларини юзага чиқаришди, балки минглаб, юз минглаб инсонларнинг иш билан таъминланишига, иқтисодиётнинг ривожланишига ҳисса қўшишмоқда.

Глобал тармоқ ўз номи билан глобал аҳамият касб этади. Кореялик, америкалик ёки германиялик интернет фойдаланувчининг имкониятлари билан бизнинг ўртамизда қандайдир чегара мавжуд эмас. Асосийси, биринчи галда тармоқнинг мавжудлиги ва барқарор ишлаши таъминланса, бас. Интернет ҳар бир ҳудуд, ҳар бир фуқарогача етиб борса, ўз-ўзидан тармоқ орқали ривожлантириладиган бизнеслар (B2B, G2B), муносабатлар (G2C) шаклланаверади.

2014 йил биринчи ярим йиллик якуни бўйича мамлакатимизда кенг полосали интернет хизматидан фойдаланувчилар умумий сони 238 445 нафарни ташкил этиши кутилмоқда. Албатта, бир йил аввалги кўрсаткич (137 138та) билан таққосланганда ўсиш суръати баланд, бироқ иқтисодий ривожланишни тезлаштиришда маълумотлардан фойдалана олиш, жумладан, интернет тармоғига кундалик ва қулай улана олиш имконияти муҳим ўрин тутишини ҳисобга олсак, кенг полосали уланишни таъминлашда фақатгина симли алоқа тармоқлари билан чекланиб қолмаслик лозимлиги ойдинлашади. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Ҳайъат йиғилишида бу масала муҳокама қилинди ва қўрилаётган чоралар ҳақида маълумотлар берилди.

### Чора

Мамлакатимизда кенг полосали уланишни таъминлашда симли алоқа тармоқлари унумли қўлланилмоқда. Бироқ, ҳар бир фойдаланувчига симли алоқа линияларини ташкил этиш қиммат, баъзи ҳолларда иқтисодий самарадорлиги пастлиги маълум. Бундан ташқари, айрим ҳолатларда бунинг техник имкони мавжуд эмас. Муаммони симсиз технологияларни, жумладан Wi-Fi технологиясини қўллаган ҳолда ечиш мумкин.



Симли кенг полосали тармоқлардан фойдаланишга одатда аҳоли узоқ муддат доимий яшовчи ва ишловчи жойларда (хонадон, офис ва бошқалар) талаб юқори бўлса, аҳоли ҳаракатда бўладиган ва вақтинча ташриф буюрадиган жойларда (аэропорт, вокзал, истироҳат боғлари, туристик объектлар ва бошқалар) симсиз кенг полосали тармоқлардан фойдаланишга эҳтиёж катта.

Республикамизда симсиз кенг полосали тармоқларни ривожлантириш мақсадида "Республикада кенг полосали симсиз маълумотлар узатиш тармоқларини Wi-Fi технологияси асосида ривожлантиришнинг асосий йўналишлари" ҳамда "2014-2015 йилларда республикада кенг полосали симсиз маълумотлар узатиш тармоқларини Wi-Fi технологияси асосида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси" ишлаб чиқилди.

Ушбу режа асосида мамлакатимизда Wi-Fi технологияси бўйича телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш; амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш; телекоммуникация транспорт тармоқларини кенгайтириш орқали Wi-Fi тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратиш; телекоммуникация хизматлари, жумладан, интернет тармоғига уланиш хизматлари сифатини янада яхшилаш ва янги хизмат турларини жорий этиш; давлат интерактив хизматларидан Wi-Fi тармоғи орқали кундалик ва қулай фойдалана олиш имконини яратиш; туристик объектлар ва жамоат жойларида Wi-Fi тармоқлари орқали маълумотлар узатиш хизматини ривожлантириш; M2M технологияси асосида ишловчи қурилмаларни (онлайн тўлов терминаллари, теле-назорат ва бошқарув, бошқалар) кенг ва кундалик ишлатилишини таъминлаш мақсадида Wi-Fi тармоқларини кенгайтириш чоралари белгиланди.

### Халқаро тажриба

Дунёнинг кўп мамлакатларида (Европа мамлакатлари, АҚШ, Япония ва бошқалар) Wi-Fi симсиз кенг полосали тизимларида радиочастоталардан фойдаланишнинг соддалаштирилган тартиблари жорий этилган. Жумладан, бу диапазонларда ишлаш учун рухсатномалар олиш радиочастота спектридан фойдаланганлик учун тўловлардан озод қилинган.

Халқаро амалиётда Wi-Fi тармоқлари жамоат жойларида — савдо мажмуалари, кафе, ресторан, аэропорт, вокзал, туристик объектлар, жамоат транспорти ва бошқаларда кенг фойдаланилади.

Муқобил равишда, Wi-Fi тармоқлари йўқ бўлганда 3G, 4G мобил алоқа тармоқлари орқали ҳам интернетга мобил кириш мумкин. Лекин, мобил абонент қурилмалари ва контентнинг кенг тарқалиши трафикнинг шиддатли ортишига олиб келиб, мобил алоқа тармоқларининг ўтказиш қобилиятини чегараламоқда. 3G, 4G мобил алоқа тармоқларининг ўтказиш қобилиятларини ошириш Wi-Fiга нисбатан катта капитал маблағларни талаб этади.

Натижада дунёда Wi-Fi тармоқларини ривожлантиришда мобил алоқа тармоқларининг давоми, Wi-Fi Offload, яъни "мобил алоқа тармоқларини Wi-Fi орқали бўшатиш" тенденцияси юзага келган.

### Ўзбекистонда

Юртимизда бир нечта операторлар Wi-Fi симсиз кенг полосали уланиш хизматларини кўрсатмоқда (Net City, Симус, "Ўзбектелеком" АК ва бошқалар). Тошкент шаҳрида Wi-Fi симсиз кенг полосали кириш билан қамров 31 фоиз, бошқа вилоятлар марказларида эса 10 фоизгачани ташкил этмоқда.

Wi-Fi уланиш нуқталари асосан, айрим истироҳат боғлари, ресторанлар, кафелар, бизнес марказларида мавжуд. Уларда Wi-Fi тармоқларни қуриш объектлар эгалари томонидан қўшимча хизматни жорий этиш сифатида амалга оширилмоқда. Масалан, "Ўзбектелеком" АК томонидан ўқув муассасаларини Wi-Fi билан қамраб олиш лойиҳаси доирасида 4 000та Wi-Fi уланиш нуқталари ташкил этилган.

Келгусида Wi-Fi технологияси асосида симсиз кенг полосали кириш тармоқларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш юзасидан қатор чоралар кўрилиши режалаштирилмоқда.

Яратилаётган шарт-шароитлар, кўрилаётган чоралар натижасида интернет-фойдаланувчилар сонининг ошиши "Электрон ҳукумат" тизимининг тўлақонли ишлашига, фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги муносабатларнинг, кўрсатилаётган интерактив хизматлар сони ва сифати ошишига хизмат қилади. Аҳолининг кенг қатламига уларнинг фикрини бошқалар эшитадиган даражада билдира олиш имконини беради. Натижада турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар тезроқ ечим топади. Шунингдек, интернет фойдаланувчиси глобал иқтисодиётда қатнашиш имконига эга бўлади. Тадқиқотларга кўра, ривожланган мамлакатларнинг интернет-сигментида иқтисодиёт секторининг фаоллашиши бизнеснинг бошқа соҳалари кўрсаткичлари ошишига ҳам туртки бўлган. Глобал тармоқ инсонларга керакли ахборотни бериш билан бирга, уларга янада яхши ишлашга, янги иш ўринлари ташкил этилишига ва ютуқлар қўлга киритилишига кўмаклашади.

**Лутфилло ТУРСУНОВ**

FAKT

XXI аср бошларида интернет эскимослар ҳаётига ҳам кириб келди. Шунда бу сўзни уларнинг тилига таржима қилиш зарурати туғилди. Экспертлар "ikiaqqivik" (қаватлар оралаб саёҳат) сўзини танлашди. Илгарилари бу сўз бирон масалада жавоб қидириб, вақт ва макон оралаб "саёҳат" қилувчи шаманларга нисбатан ишлатилган.



Келгусида 14 аэропорт, 43 вокзал, 32та туризм объектлари, 20та истироҳат боғларида Wi-Fi нуқталари яратилади.

## Xalqaro hayot

**АФҒОНИСТОНда бўлиб ўтган президент сайловининг иккинчи турида Ашраф Ғани Аҳмадзай 56,44 фоиз билан ғолиб бўлган. Унинг рақиби Абдулла Абдулла эса 43,56 фоиз овоз олган.**

**Жаҳон банки собиқ ходими Ашраф Ғани Ғарб билан мулоқот ва музокара олиб боришда катта тажрибага, шунингдек, иқтисодий менежмент кўникмаларига эга. Экспертлар Ғарб Афғонистонга кўрсатиладиган молиявий кўмак миқдорини камайтириши хусусида бонг уриб турганда, унинг хизмата катта эҳтиёж туғилади.**

**Сайловнинг иккинчи тури якуний натижалари 23 июлда эълон қилиниши ҳамда янги президент 2 август куни қасамёд қабул қилиши керак.**

**ГРУЗИЯ**нинг собиқ президенти Эдуард Шеварднадзе 87 ёшида оламдан ўтди. У 1995 йилдан 2003 йилга қадар Грузияни бошқарган. Хабарларга кўра, Шеварднадзенинг дафн маросими шу йилнинг 13 июл куни бўлиб ўтади.

**НАТО Афғонистон ҳукумати 2014 йил сентябрига қадар альянс билан хавфсизлик бўйича шартнома тузишини кутмоқда. Бу ҳақда НАТО бош котиби Андерс Фог Расмуссен маълум қилган. "Агар сентябрга қадар шартнома имзоланмаса, 2014 йилдан кейинги даврда бўладиган машғулот миссияларини ўтказиш билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин", — деган НАТО раҳбари.**

**БРАЗИЛИЯ**нинг Сан-Паулу шаҳрида миллий терма жамоа мағлубияти сабаб тартибсизликлар бошланган. Ўз терма жамоасининг Жаҳон чемпионати ярим финалидаги мағлубиятидан ғазабланган одамлар шаҳарнинг шарқий қисмида олтита автобусни ёқиб юборган ва дўконларни талон-тарож қилишни бошлаган.

Терма жамоанинг ЖЧ-2014 ярим финалида Германия билан ўйинда 1:7 ҳисобида мағлубиятга учраши, 1950 йилдаги Уругвай билан ўйиндаги 2:1 ҳисобидаги мағлубиятдан кўпроқ салбий таъсир кўрсатган.

**РОССИЯ Ироқдаги терроризм хавфи сабаб халқаро форум ўтказиш ташаббуси билан чиқмоқда. Бу ҳақда сешанба куни РФ Ташқи ишлар вазири ўринбосари Геннадий Гатилов журналистларга маълум қилган.**

**Гатиловнинг таъкидлашича, Ироқ масаласида халқаро учрашув чақириш дастлабки ишлардан ҳисобланади. "Биз бу ерда БМТнинг ҳам асосий ўрни бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз ва билишимизча, ушбу масала Хавфсизлик кенгашида муҳокама этилади ҳамда бу халқаро ташкилот иштирокисиз ўтмайди", — дейди у.**

**ИСРОИЛ**да бошланган "Чегара мудофааси" номли ҳарбий амалиёт доирасида Ғазо секторига уюштирилган ҳаво ҳужуми натижасида ўттизга яқин фаластинлик, жумладан, икки аёл ва беш бола қурбон бўлиб, қарийб 150 киши жароҳат олган.

Исроил томони мазкур ҳужумни ўз ҳудудларига ҲАМАС жангарилари томонидан ракета зарбалари берилгандан сўнг жавоб сифатида уюштирганини таъкидламоқда.

**Халқаро энергетика агентлиги (ХЭА) ҳисоб-китоблари кўрсатишича, ўтган 2013 йили самарасиз технологик ечимга эга 14 млрд.га яқин қурилма (смартфонлар, планшетлар, модемлар, принтерлар, ўйин қурилмалари) электр токини беҳуда сарфлаб жаҳон иқтисодиётига 80 млрд. АҚШ доллари миқдорида зиён етказган. Бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 0,1 фоизи ёки Сербия ва Хорватия сингари мамлакатларнинг бир йиллик даромадига тенг кўрсаткичдир. Аммо энергетиклар бундан эмас, келажакдан ташвишдалар: ҳомчўтларга кўра, 2020 йили ана шундай эътиборсизлик янада ўқкан — 120 млрд. доллар атрофида зарар етказиши эҳтимолда тутилаяпти.**




# ҲАВОГА УЧГАН 80 МИЛЛИАРД

Электр энергиясига талаб таҳдидли суръатда ошиб боряпти, дейилади ХЭАнинг электр энергиясини тежаб ишлатишда ахборот технологияларидан фойдаланишга бағишланган янги ҳисоботида. Айниқса, 2050 йилга бориб электрон қурилмалар сони 500 млрд.га етиши назарда тутилса, масаланинг моҳияти янада ойдинлашади. 2013 йили кутиш тартибида ишлаб турган электрон қурилмаларнинг ўзи 616 ТВт/соат энергияни "еб юборган". Бунинг оқибати шуки, йўқотишлар 400 ТВт/соатга тенглашди, мисол учун, Буюк Британия ва Норвегия мамлакатлари биргаликда бир йилда ана шунча электр энергиясини ёқади.

Одатда электрон қурилмалар биз мўлжаллагандан кўп энергияни сарфлайди, замонавий самарадор технологиялар бу чиқимни 65 фоизгача камайтириб беради. Бунинг учун, агентлик мутасаддиларининг фикрича, ишлаб чиқарувчиларни мамлакатлар ҳукуматлари рағбатлантириши лозим. Албатта, компаниялар энергияни тежайдиган лойиҳаларга ҳам қўл уришяпти, бироқ янги технологияларни ишлаб чиқиш бошланғич жараёнига анча-мунча маблағ, демакки, юқори даражадаги қўллаб-қувватлов керак.

## AT-XABARLAR

● **Fujitsu компанияси "булутли" сервисларга қўшимча 2 млрд. доллар сармоя киритади. Frost & Sullivan компаниясининг маълумотларида келтирилишича, 2016 йили булутли ҳисоблашлар глобал бозори 86 млрд. долларгача кенгайиши кутиляпти.**

● Sony Mobile Communications компанияси янги — Xperia C3 смартфони тақдимотини ўтказди. Унда асосий урғу фото ва видео олишнинг илғор технологияларига ҳамда интерактив камера иловаларига берилган.

● **Android-иловалар Windows Phone мобил амалий тизимида, масалан, янги туркум Nokia Lumia смартфонларида ҳам ишлаши мумкин экан. Бу ҳақда gigaom.com сайти маълум қилди.**

**Мутахассислар Android-иловаларнинг Windows Phonега татбиқ этилиши Microsoftнинг мобил аппаратлар бозорида муносиб ўрин эгаллашига туртки бўлади, дейишяпти.**

● TeliaSonera компанияси Швециянинг Tele2 телекоммуникация операторига қарашли Норвегия тармоғини 744 млрд. долларга харид қилди ва бу мамлакатда Telenorдан кейинги иккинчи йирик мобил алоқа операторига айланди. Компаниядан хабар қилишларича, битимдан мақсад Скандинавия бозорида TeliaSoneranинг мавқеини кучайтиришдир.

● **Йил охирига бориб TD-LTEдан фойдаланувчилар сони жаҳонда 70,4 млн. нафарга етади. 2014 йилнинг биринчи чорагида бу стандартдаги алоқага уланган абонентлар сони 12,48 млн.тани ташкил этди.**

**Бу жабҳада Саудия Арабистонидаги Mobily провайдери энг фаол (янги уланган 12,48 млн.та абонентнинг 28,2 фоизи). Шу даврда SoftBank Mobile (Япония) 27,5, China Mobile (Хитой) 22,4, STC (Саудия Арабистони) оператори 10,8 фоиз абонентни хизматларига улаган.**

● Фишингга қарши ишчи гуруҳ (APWG) 2014 йил илк чорагида 125 мингдан зиёд фишинг-сайтни аниқлади — бу ўтган йилнинг шу давридагидан 10 фоиз кўпдир. Бу турдаги хакерлар орасида .com домен ҳудуди ҳамон оммавийлигини йўқотган эмас, фишинг-сайтларнинг 46 фоизига ушбу манзилда йўлиқиш мумкин.

Фишингчи-фирибгарларнинг биринчи нишони бу — турли тўлов тизимлари (ҳужумларнинг 46,5 фоизи), иккинчи ўринда — турли молия ташкилотлари (20,1 фоиз), учинчи — чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари (11,5 фоиз).



● **АҚШдаги йирик танишувлар сайти — Match.com дунёдаги энг юқори интеллект соҳиблари учун ташкилот — Mensa компанияси билан ҳамкорликка киришди. Мақсад эса билимию салоҳияти юқори кишиларнинг ўзаро танишишларига имконият беришдир.**

**TJournalнинг хабар беришича, Mensa Match лойиҳасида фақат жиддий танловдан ўтган, Mensaга аъзо кишилар қатнашишлари мумкин. Ўзига хос бу элитага интеллектуал кўрсаткичи — IQ 130 ва ундан юқорилар кира оладилар. Яъни бунинг учун Ер шари аҳолисининг 98 фоизидан кўра ақллироқ бўлиш талаб этилади.**

● Жанубий Калифорния университети (USC) олимлари сув ва арзон, заҳарли бўлмаган органик компонентлардан батарея ишлаб чиқишни таклиф этишмоқда.

"Бу батареялар 5000дан ортиқ зарядлаш циклига бардошли бўлиб, 15 йилгача ишлаб беради. Литий-ионли батареялар эса тахминан минглик циклдан сўнг яроқсиз ҳолатга келиб қолади, бунинг устига, уларнинг тannархи 10 мартоба юқори", дейди USC университети кимё профессори, лойиҳа иштирокчиси Шри Нарайян.



Android ақлли соатлари учун илк ўйин ишлаб чиқарилди.

MOBIL DASTURLAR




# Мобил банкинг дастури



**Инсоният ҳаёти давомида ўзига қулайлик яратиш учун кўплаб кашфиётларга қўл уриб келган. Тўловларни электрон тарзда амалга ошириш тизимлари ҳам сизу биз учун ўйлаб топилган ана шундай қулайликлардан биридир.**

Айни дамда дунёда турли электрон пул тўлов хизматлари мавжуд ва бу йўналишлар ўша мамлакатларнинг истиқболли келажаги учун хизмат қилиб келмоқда. Тарихга назар солсак, электрон ҳисоб-китоб тўлови биринчи марта АҚШда ўтган асрнинг 80-йилларида пайдо бўлган. Бугунга келиб эса АҚШ ва Европа аҳолисининг эллик фоизидан ортиғи электрон тўловлардан фойдаланади. Мамлакатимизда ҳам шундай йўналишда мижозларга хизмат кўрсатадиган корхона, фирма ва уюшмалар бор. Шулардан бири NTech МЧЖ томонидан тақдим этилган MBank мобил банкинг дастуридир.

MBank — замонавий технология асосида мобил телефонлар орқали банк тўловларини амалга ошириш учун мўлжалланган. Дастурни мобил телефон орқали созлаб бошқариш мумкин. MBank дастуридан фойдаланиш учун сиз Ўзбекистондаги исталган банк мижози бўлсангиз ва у банк томонидан сизга берилган пул тўлов пластик картаси бўлса бас — турли хизматлар учун ҳисобингизни, офис ёки уйингиздан чиқмасдан, дала ҳовли ёки тоғдан тушмасдан, тўлдиришингиз мумкин. Бунинг учун фақатгина уяли телефон ва интернетга уланиш мавжуд бўлиши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, тўловлар мобил телефон ёрдамида интернет орқали амалга оширилади ва "Moybank" (Mobile banking) деб номланади.

MBankка уланиш ва ишлаш учун мижозда:

- Android, iPhone ёки Java телефони;
- SMS Uzcard онлайн пластик картаси;
- Wi-Fi ёки мобил оператори орқали интернет тармоғига уланган бўлиши керак.

— MBank дастури юртимизда амалга оширилиши мумкин бўлган барча тўловларни ўз ичига олади, — дейди NTech МЧЖ матбуот хизмати ходими Жамшид Ғафуров. — Ҳозирги кунда дастурда Beeline, Beeline интернети, Perfectum Mobile, TPS, EVO, Sharq Telekom, UzDigitalTV, Maxsustrans, FiberNet, O'zTransGaz ва O'zbekenergo каби компаниялардаги ҳисобингизни тўлдириш, шунингдек, турли солиқлар ва жарималарни электрон тўлаш имконияти мавжуд. MBank хизмати "Алоқабанк"да ҳисобрақам очган юридик ва жисмоний шахслар (мобил банк хизмати) ҳамда барча банкларда Uzcard-онлайн пластик карта эгалари учун тақдим этилади. Маълумотлар ошкоралиги ва ўзаро алмашинуви қонун талабларига мувофиқ криптографик ҳимоя билан таъминланган ҳолда барча тўловлар хавфсиз, қулай ва тез амалга оширилади. Келажакда дастур орқали хизматларимиз сонини оширишни режалаштирганмиз.

**Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ**

# "Инновация" суперакцияси

**Beeline алоқа оператори компаниянинг саккиз йиллиги муносабати билан "Инновация" суперакциясини ўтказмоқда. Йил сўнгига қадар ҳар бир абонент акцияда иштирок этиб, йирик пул мукофотлари, шунингдек, ҳар ой олтита инновацион хонадонлардан бирини ютиб олиши мумкин.**



"Акцияда ютиш имкони баробар бўлган миллионлаб абонентлар иштирок этишлари ҳозирдан маълум, — дейди Unitelнинг тижорат директори Максим Ефремов. — Лойиҳанинг янгилиги, ғолибларни очиқ-ойдин аниқлаш ва совринларнинг аҳамиятлилиги "Инновация" акциясини ҳақиқатан ҳам ёркин ва ноёб қилади.

Ҳар ойлик суперсовринлар ўйинида иштирок этиш учун алоқа хизматларига ҳафтасига $2,5дан зиёд маблағ сарфлаб (душанбадан якшанбагача) Beelineнинг фаол абоненти бўлиш лозим. Status туркумидаги тариф режалар абонентлари "Инновация" акциясида автоматик иштирок этади.

Ўйин 2014 йилнинг август ойидан бошлаб ҳар ой жонли телевизион эфирда бўлиб ўтади. Ғолиблар жонли эфирга қўнғироқ қилиб тушган мухлисларнинг тасодифий рақам танлаши орқали аниқланади.

Рақамлар компютер дастурида айтиб ўтилган тартиб бўйича ўнгдан чапга киритилади:

■ 5 рақам мос тушганида абонент 1 000 000 сўм соврини қўлга киритади.

■ 6 рақам мос тушганида абонент 2 000 000 сўм соврини қўлга киритади.

■ Барча 7 рақами мос тушган абонент ўз шаҳрида жойлашган хонадон эгасига айланади.

"Инновация" акцияси 2014 йилнинг 30 июнидан 27 декабрига қадар ўтказилади. Тафсилотлар www.beeline.uz сайтида.

## "Форсаж" Ўзбекистонда

**"Россия почтаси" МДҲ мамлакатларига "Форсаж" пул ўтказиш хизматини йўлга қўйди. Энди мазкур пул ўтказиш хизмати орқали Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонга ҳам пул юбориш мумкин.**

Пул ўтказишни "Россия почтаси"нинг 25 мингдан ортиқ масканларида амалга ошириш мумкин, ўтказмаларни МДҲ ва Грузиядаги олти мингта пунктлардан олса бўлади. Йил охирига қадар "Форсаж"нинг Россиядан ташқаридаги шохобчалари сонини 14 мингтагача етказиш режалаштирилган.

## Ҳомиладорлар маълумотлари электрон базада

**Самарқанд вилоятида кейинги йилларда аёлларнинг ҳомиладорлик билан боғлиқ кўплаб хасталиклари, ногирон болалар туғилиши, оналар ва болалар ўлими кескин камайди.**

Самарқанд Давлат тиббиёт институти билан ҳамкорликда ҳомиладор аёллар ҳақидаги электрон маълумотлар базаси яратилиб, уларнинг саломатлиги ҳар ойнинг якунида вилоят перинатал марказида шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари бошлиқлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосарлар, бош акушер-гинекологлар, педиатрлар, масъул неонатологлар иштирокида муҳокама этилмоқда.

## Йўл ҳаракатида АКТ

**Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.**

Бу йўналишда ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан ҳамкорликда "Транспорт коммуникацияларида автомобиллар ҳаракатини кузатиш ва назорат қилишнинг марказлаштирилган ягона ахборот-компютер тизимини яратиш ва жорий этишга қаратилган комплекс дастур" ишлаб чиқилган. Айни дамда ушбу дастурни амалга ошириш бўйича дастлабки ишлар бошланган.

## The Huffington Post: Самарқанд — кишилар ҳаёти давомида бир бориб кўриши лозим бўлган шаҳар

**Американинг The Huffington Post электрон нашри ҳар бир одам ҳаёти давомида бориб кўриши лозим бўлган дунёнинг 50та шаҳри рўйхатини эълон қилди. Ушбу рўйхатдан Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳри ҳам муносиб ўрин олган.**

"Самарқанд қадимий Ипак йўли шаҳри бўлиб, масжид ва мадрасалардан таркиб топган Регистон мажмуаси Ислом меъморчилигининг энг чиройли намуналаридан биридир", — дейилади сайт изоҳида.

Рўйхатта Самарқанд билан бир қаторда, Венеция, Лондон, Рим, Ню-Йорк, Флоренция, Киото, Токио, Қуддус, Париж, Пекин, Афина, Истанбул, Амстердам, Берлин сингари шаҳарлар ҳам киритилган.



Beeline интернет-пакетлар ҳажми ва нархини оширди.

# В детских оздоровительных лагерях АК "Узбектелеком"

## в 2014 году отдохнут более 3 тысяч детей со всего Узбекистана

**Акционерная компания "Узбектелеком" имеет четыре детских оздоровительных лагеря при Бухарском, Джизакском, Кашкадарьинском региональных филиалах и филиале "ТШТТ".**

Детский оздоровительный лагерь "Ёш алоқачи" Бухарского филиала АК "Узбектелеком" расположен по адресу: Бухарская область, кишлак Моҳихоса на границе г.Бухара. За 4 смены в этом году в лагере отдохнут 480 детей.

Детский оздоровительный лагерь "Алоқачи" филиала "ТШТТ" АК "Узбектелеком" расположен по адресу: Ташкентская область, Бустонлыкский район, посёлок Сойлиқ.

За 4 смены в этом году в лагере отдохнут 1600 детей. В первую смену в этом лагере отдохнули 140 детей из Хорезмской области и 105 детей из Республики Каракалпакстан. Во второй смене еще отдыхают 21 ребенок из Республики Каракалпакстан. Для детей Приаралья были предоставлены скидки 20% от стоимости путевок.




Детский оздоровительный лагерь "Алоқачи" Джизакского филиала АК "Узбектелеком" расположен по адресу: Джизакская область. Зааминский район, кишлак Етти Кечув. За 4 смены в этом году в лагере отдохнут 480 детей.

Детский оздоровительный лагерь "Алоқачи" Кашкадарьинского филиала АК "Узбектелеком" расположен по адресу: Кашкадарьинская область, Китабский район, кишлак Қайнар. За 4 смены в этом году в лагере отдохнут 480 детей.

За четыре смены этого года, в детских оздоровительных лагерях АК "Узбектелеком" отдохнут и наберутся здоровья более 3000 детей со всех регионов Узбекистана.

# Какой сайт

## должен быть у АО?

**Постановлением Кабинета Министров от 2 июля 2014 года утверждено Положение о требованиях к корпоративным веб-сайтам акционерных обществ, которое вступит в силу с 1 января 2015 года.**

Документ принят в соответствии с Указом Президента от 7 апреля 2014 года "О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию инвестиционного климата и деловой среды в Республике Узбекистан".

Постановлением определена информация, подлежащая обязательному размещению на корпоративном веб-сайте общества. Так, размещение на веб-сайте общества информации из других источников допускается только при указании источника информации.

Информация должна представляться на государственном языке, при этом сайт может иметь версии на других языках. Она должна быть достоверной и объективно освещать деятельность общества. Не допускается размещение информации, отнесенной к государственным секретам и для служебного пользования, а также иной информации, запрещенной к опубликованию и распространению в соответствии с законодательством.

Ответственность за полноту и достоверность информации несет руководитель исполнительного органа.

Доступ к размещенной информации общества в рамках оказания им базовых информационных услуг должен быть свободным и бесплатным. Также общество может оказывать через сайт дополнительные услуги на платной основе в установленном законодательством порядке.

**Norma.uz**

# Разъяснения

## по поводу изменений на тарифы с 1 июля 2014 года

С 1 июля 2014 года изменены тарифы на некоторые услуги телекоммуникаций, устанавливаемые АК "Узбектелеком" на договорной (свободной) основе (прейскурант №125-1/7). Тарифы на универсальные услуги телекоммуникаций (прейскурант 125-1/1) не изменялись.

В частности, абонентская плата городской телефонной сети за пользование основным телефонным аппаратом или другим оконечным устройством голосовой телефонии коллективного пользования теперь составляет 4000 сумов в месяц при абонентской и при повременной системах оплаты, сельской телефонной сети — 1400 сумов.

Изменения коснулись также тарифов на некоторые услуги телеграфной связи (переводные телеграммы банков), предоставление каналов и выделение программ телевизионного и звукового вещания, справочно-информационных услуг, дополнительных видов обслуживания АТС с программным управлением, интеллектуальных услуг Call-центра, использования виртуального канала по протоколу sip-trank.

Тарифы на другие услуги телекоммуникаций, устанавливаемые АК "Узбектелеком" на договорной (свободной) основе, сохранены на прежнем уровне.

В связи с поступающими вопросами от абонентов компании, разъясняем, что тарифы на универсальные услуги телекоммуникаций (прейскурант 125-1/1) не изменялись.

В частности, абонентская плата за пользование основным телефонным аппаратом для населения осталась на прежнем уровне и составляет 1700 сум. Повременная плата за каждую полную или не полную минуту разговора, осуществляемого абонентом по телефону индивидуального пользования (включенного по проводной абонентской линии в телефонную сеть) сверх установленного лимита разговоров в размере 180 минут в месяц и установленной абонентской платы, для всех категорий пользователей, как и прежде, составляет 7 сум.

**uztelecom.uz**

# В системе CLICK

## запущена оплата за природный газ

**Компания CLICK сообщает о запуске возможности оплаты за природный газ в Бухарской и Навоийской областях Узбекистана.**



Благодаря достигнутому партнерству с УП "Гарбгазтаъминот", являющимся структурным подразделением АК "Узтрансгаз" НХК "Узбекнефтегаз", реализована возможность оплаты за природный газ от населения Бухарской и Навоийской областей через систему CLICK.

Запуск такой возможности по оплате за природный газ позволит повысить оперативность в проведении платежей за использование энергоресурсов и поднять эффективность работы коммунальной компании. При этом для пользователей CLICK создается быстрый, удобный и качественный способ проведения взаиморасчетов за данную коммунальную услугу.

Запуск оплаты за природный газ со стороны населения был реализован в рамках принятой стратегии компании CLICK, направленной на предоставление пользователям системы максимальных возможностей по совершению своих ежедневных платежей.

Оплаты могут производиться с мобильного телефона, подключенного к системе CLICK, через набор единой USSD-команды *880#. Следует отметить, что для пользования системой не требуется наличия доступа в интернет и установки на мобильный телефон дополнительных приложений.

Оплаты также могут быть произведены из "Личного кабинета" пользователя на сайте my.click.uz либо m.click.uz. Для дополнительного удобства владельцев смартфонов и более оперативной обработки запросов компанией CLICK совместно с партнерами разработаны и запущены специальные приложения для операционных систем Android и iOS.

# Июньский рекорд обращений на ЕПИГУ

В июне было подано 4016 обращений, это в полтора раза больше, чем в среднем за последние три месяца.

Самый плодотворный день в июне — 19-е число, было подано 271 обращение. За первую неделю июля подано 1001 обращение, так что возможно побитие июньского рекорда.






В Датацентре появилась новая услуга — "Виртуальный администратор".

**Фарзандларимизни жисмонан соғлом, маънан баркамол ва мустақил фикрловчи, интеллектуал қобилиятли, хуллас, ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам бу иш ҳукумат даражасига кўтарилиб, 2014 йилга Соғлом бола йили деб ном берилди. Мазкур йил муносабати билан тузилган Давлат дастури асосида жойларда келажагимиз эгалари бўлган болаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, саломатликларини тиклаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилялти. Бу муҳим юмушлардан касаба уюшмамиз қўмитаси ҳам четда қолаётгани йўқ.**




# Имконият ва куч бирлашса...

Амалга ошираётган барча тадбирларимиз Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раёсатининг "2014 йилда "Касаба уюшмалари — болаларга" акциясини ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этиляпти. Биз фаолиятимиз давомида иш берувчи билан ҳамкорликда мазкур акция доирасида белгиланган тадбирларни ўз вақтида, мазмунли ва юқори савияда ўтказишга ҳаракат қиляпмиз.

Жумладан, алоқачиларнинг касб байрами муносабати билан ходимларимизнинг фарзандлари ўртасида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолиб чиққан болажонлар касаба уюшмамиз қўмитаси томонидан моддий рағбатлантирилди.

Ходимларимиз ва уларнинг фарзандларига Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Туркистон" саройида ўтказилган байрам тадбирига ҳамда республика Болалар театрига 60та чипта олиб берилди. Пойтахтимизда фаолият юритаётган истироҳат боғларида ҳордиқ чиқаришлари учун чипталар тарқатилди. Шунингдек, кам таъминотли оилаларда истиқомат қилаётган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида алоқачилар куни байрами муносабати билан бир неча оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳозир айни ёз мавсуми. Биз бу мавсумда ходимларимизнинг фарзандларини болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Айни пайтда "ТШТТ" филиали тасарруфидаги "Алоқачи" болалар оромгоҳида ходимларимизнинг 24 нафар фарзанди мирикиб ҳордиқ чиқаряпти. Оромгоҳнинг кейинги мавсумига ҳам йўлланмаларни тахт қилиб қўйганмиз.



Шунингдек, республикамиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами муносабати билан "Мустақил юрт фарзандиман" шиори остида эҳтиёжманд оила фарзандлари ва таълимда юқори натижаларга эришган болажонларни пойтахтимизнинг тарихий ва диққатга сазовор жойларига саёҳатларини ташкил этиш тараддудидамиз.

Филиалимиз ишчи-хизматчиларари белгиланган миқдордаги фойдани қўлга киритиш учун телекоммуникациялар хизмати турларини кенгайтириб бориш, шунингдек, ҳалол, сифатли ва унумли меҳнат қилиш турмуш фаровонлигини яхшилаш учун асос бўлиб хизмат қилишини яхши биладилар. Уларнинг унумли меҳнатлари сабаб, кейинги йилларда корхонамиз ҳар томонлама ривожланиб, юқори марралар қўлга киритиляпти. Натижада иқтисодий аҳволимиз тобора яхшиланиб боряпти. Демак, иш берувчи томонидан ходимлар ижтимоий муҳофазасини кучайтириш учун етарли имконият бор. Ана шу имкониятни асосий куч — ходимларнинг корхона ривожига имкон қадар кўпроқ ҳисса қўшиш, шу йўл билан республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашда фаол иштирок этишдек эзгу мақсадини бирлаштирган ҳолда ходимлар ижтимоий муҳофазасини йилдан-йилга кучайтириб боришга эришяпмиз. Айниқса, ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Йил бошидан бери ана шундай мутахассислардан 11 нафарига корхона ҳисобидан имтиёзли қарз берилди. Шунингдек, ариза билан мурожаат қилган мутахассисларимизнинг ўн нафарига саломатлигини мустаҳкамлаш учун дори-дармонга, уй-жойи таъмири ва бошқа мақсадлар учун моддий ёрдам ажратилди. Биринчи марта оила қураётган ёш ходимларимиздан уч нафарига эса Ягона жамоа шартномасига асосан Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида моддий кўмак берилди.

Филиалимизда маданий-маърифий ишларга ҳам катта эътибор билан қаралялти. Мамлакатимизда нишонланадиган байрамларга бағишлаб, ходимларимиз иштирокида тадбирлар ташкил этиш, спорт-соғломлаштириш ишларини уюштириш, касаба уюшмаси аъзоларини театр томошалари ва концертларга боришини таъминлаш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш каби ишлар шулар жумласидандир.

Ҳар йилгидек, бу йил ҳам Наврўз байрамига атаб дошқозонда Наврўзнинг шоҳ таомларидан бири — сумалак пишириб, ош дамладик. Уни тайёрлаш жараёнида барча ходимларимиз фаол иштирок этишди. Алоқачиларнинг касб байрами муносабати билан ҳам қизиқарли тадбирлар ташкил этилди. Ойда бир марта ўтказиладиган маънавият соатларида бугунги кунда долзарб бўлиб турган мавзуларда суҳбатлар ташкил этяпмиз. Бунда таниқли сиёсатшунослар, касбининг усталари иштирок этишяпти.

Ҳадемай республикамиз мустақиллигининг 23 йиллик қутлуғ байрами нишонланади. Ишчи-хизматчиларимиз айни пайтда бу байрамни меҳнатда катта ютуқлар билан кутиб олишга астойдил ҳаракат қилишяпти. Касаба уюшмамиз қўмитаси эса уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, янги ютуқлар сари чорламоқда.

**Шуҳрат МАЛИКОВ,**
**"Ўзбектелеком" АК "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиали касаба уюшмаси қўмитаси раиси**

---

**"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиалида "Давлат рамзлари – миллатимиз фахри" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни филиал директорининг биринчи ўринбосари Асрор Олтиев кириш сўзи билан очди.**

# Миллат фахри

Таъкидланганидек, давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсоллардир. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари халқимизнинг шон-шуҳрати, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқарога ғурур, фахр ва ифтихор бағишлайди.

Тадбирда ана шулар ҳақида сўз юритилди. Давра суҳбати давомида сўз олган фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди мутахассиси Акмал Мирходжаев, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Бухоро шаҳар кенгаши мутахассислари Ҳаёт Шарипов, Мунира Қурбонова, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиали касаба уюшмаси қўмитаси раиси Жамшид Эгамов ва бошқалар барчамизнинг асосий вазифамиз аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг мустақил фикри ва дунёқараши шаклланишига кўмаклашиш, ҳаётда ўз йўли ва ёндашувини қатъий белгилаб олишга ёрдамлашишдан иборат эканлигини таъкидлашди. Чиндан ҳам, Президентимизнинг "ёшларда аввало ҳаётга қизиқиш, қизиқиш ва яна бир бор қизиқиш уйғотиш керак ва бу маънавий-маърифий ишларимизнинг негизини ташкил этиши лозим", деган сўзлари барчамиз учун дастуриламал эканлиги ўз-ўзидан аён.

Тадбирда иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоблар берилди.

**Асқар ИСТАМОВ,**
**"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири**



uTube.uzдаги видеороликлар сони 16 мингдан ошиб кетди.

# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим



## Эпкинлар

Республикамиз мустақиллигининг илк йилларидан, барча жойларда бўлгани каби, Тошкент вилоятида ҳам алоқа ва ахборотлаштириш, телекоммуникация технологияларини ҳаётимизга, хоҳ у саноат ва таълим, соғлиқни сақлаш ёки хонадон бўлсин, фаол олиб киришга катта эътибор берилиб, дунёнинг мазкур соҳада етакчи давлатлари ва компаниялари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилди. Собиқ Иттифоқ даврида вилоятнинг республикамиз иқтисодиётидаги ўрни асосан қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи саноат зоналаридан бири эканлиги билан ифодаланарди. Истиқлол эпкинлари вилоятга янги технологияларни олиб кирди, кўп тармоқли саноат шаклланди, ерлар ўз эгасини топиб, фермерлик асосидаги самарадор қишлоқ хўжалиги тизими барпо этилди, ислоҳотлар таълим, соғлиқни сақлаш тизимларини қамраб олди, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан саналган хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожлана бошлади. Жумладан, телефон ва почта сингари анъанавий алоқа хизматлари ёнига интернет, мобил алоқа, рақамли телевидение ва бошқа-бошқа бутунлай янги хизматларнинг қўшилиб аҳоли ва корхона-ташкилотларга тақдим этилаётганлиги нафақат иқтисодий тараққиётга, энг асосийси, ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад — халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётир.

**Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керак, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган 90-йилларнинг бошларида нафақат дунё сиёсий харитасида, шунингдек, ахборот технологиялари бозорида ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда эди. Худди бир неча ўнта янги мустақил давлатлар юзага келгани каби, Microsoft, IBM, Apple, HP каби юзлаб корпорациялар пайдо бўлаётган ёки янги ўзанга тушиб, ўз технологиялари билан инсониятни ахборот асрига бошлаб кетаётганди.**

**Таниқли адабий персонаж Остап Бендернинг бир гапи бор: "Автомобил дабдаба эмас, у ҳаракатланиш воситаси". Худди шунга ўхшаб, кўп эмас, атиги беш-ўн йил илгари дабдабага айланган қўл телефонлари бугун оддий ҳаётий эҳтиёжга, шунчаки алоқа воситасига айланди-қолди. Ҳолбуки, ўн йил олдинги телефон ва бугунгисининг ер билан осмонча фарқи бўлса-да. Демоқчимизки, шиддатли бир даврда яшаяпмиз, биттасини ўзлаштирмасдан бошқа бир янги технология кириб келяпти. Мобил алоқа, рақамли телевидение, интернет кундалик турмушимиздан мустаҳкам ўрин олди, қолаверса, хорижникидан қолишмайдиган телефону компютерлар бугун ўзимизда ҳам тайёрланяпти, буларнинг бари мустақиллик халқимизга берган олий инъом шарофатидан эмасми?!**

Тошкент вилояти

# Асрий

## Ёшлар – келажагимиз



Улкан тарихий воқеа — мамлакатимиз Мустақиллигининг 23 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Шу йиллар давомида амалга оширилган воқеаларни тилга оларканмиз, мен ёшларга, уларнинг келажагига бўлган эътиборни алоҳида тилга олишни истардим. Яқинда туманимиз касб-ҳунар коллежларидан бирида учрашув бўлди. Ўшанда сўзга чиқиб битта гапни айтдим. Мен мактабни 1966 йили олтин медал билан битирганман. Ўша пайтларда ёшларга бўлган эътибор билан ҳозир уларга берилаётган имкониятларнинг катта фарқи бор. У пайтлари мактабни битириб институтга кира олган 10-15 фоиз ёшларга иш бор эди. Ҳозир-чи! Коллежларни битирувчилар 100 фоиз иш билан таъминланяпти. Бунга сабаб янги таълим тизими жорий этилиши натижасида ёшларнинг ҳунарли бўлаётганида деб биламан.

Талабалик йилларимиз узоқдаги ота-онамиз билан мулоқот қилиш учун сўзлашув масканларида соатлаб навбат пойлардик. Энди ҳар бир хонадонда иккита-учталаб телефон бор. Одамлар дунёнинг исталган нуқтаси билан сонияларда уланиб илгари ойлаб вақт сарфланадиган ишларини бир неча дақиқада ҳал қилишяпти. Ахборот алмашиш жараёнлари мисли кўрилмаган даражада тезлашиб кетди.

Боғламамиз мисолида айтадиган бўлсам, замонавий MSAN рақамли станцияларининг ўрнатилиши, "Ягона ойна" универсал савдо офисининг очилиши каби янгиликлар истеъмолчиларга кенг турдаги хизматларни тақдим этиш имконини берди. Ҳозир интернетдан фойдаланувчи мижозларимиз сони тўрт мингга яқинлашиб қолди, ҳар ойда абонентларимиз сони ўртача 50тага кўпайиб боряпти. Буларнинг бари, албатта, мустақиллик туфайли соҳада амалга оширилган тизимли ислоҳотлар, мамлакатимиз миқёсидаги улкан бунёдкорлик фаолияти, қурилишлар мевасидир.

**Жумабой БЎТАЕВ,**
**Янгийўл телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи**

### Рақамлар сўзлаганда




"Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали

| | |
|---|---|
| Стационар телефон абонентлари | 119316та |
| Интернет абонентлари | 18500га яқин |
| CDMA-450 хизмати фойдаланувчилари | 12 мингдан ортиқ |
| Қўшимча хизматлардан фойдаланувчилар | 46 мингдан зиёд |
| Сотилаётган хизматлар сони | 54463та |

# Кўҳна ва навқирон

**Мустақиллик ҳаётимизга кўплаб янгиликларни олиб кирди. Истиқлол йилларида босиб ўтилган 23 йиллик йўлга назар солсак, бу ўзгаришлар кутубхоначилик соҳасида ҳам яққол кўзга ташланади.**

Буни 1913 йили таниқли ўзбек маърифатпарварлари Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғулом Зафарий, Шокиржон Раҳимий, Юсуф Алиев сингари машҳур ёзувчи ва шоирлар ҳамда бошқа зиёлиларнинг шахсий китоблари асосида ҳамда машҳур маърифатпарвар, шоир, драматург ва журналист Абдулла Авлоний бошчилигида "Турон" номли маърифат жамияти томонидан ташкил этилган "Турон" кутубхонаси (бугунги кунда ахборот-кутубхона маркази) мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

"Турон" кутубхонасида республикамизда биринчилардан бўлиб ишларни автоматлаштиришга киришилган, чунончи, 1998 йили кутубхона компютер ва нусха кўпайтирувчи техника билан жиҳозланди.

Инновацион услубларни қўллаш, меценатлар ва ҳомийларни кутубхонага жалб қилиш билан бирга, хорижий кутубхоналар ҳамкорлигида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шу вақтдан бошлаб кутубхона фаолиятини автоматлаштиришда биринчи қадамлар қўйилди. Ўзбекистондаги ўнта йирик кутубхона қаторида "Турон" илмий-универсал кутубхонаси томонидан "ИРБИС" ахборот-қидирув кутубхона тизими дастури ўзлаштирилди ва 2001 йили, мамлакатимизда биринчи бўлиб, 60 мингдан зиёд китоблар тўғрисидаги ахборотларни қамраб олган ўзбек адабиётлари жамғармасининг тўлиқ электрон каталоги тузилди.



Навбатдаги сонларда Навоий, Бухоро ва Фарғона вилоятларига

# сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

## Замонавий матбуот дўконлари




Тошкент вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонасидан олинган маълумотга кўра, зиё тарқатувчилар бугунги кунда 18та филиал (4та шаҳар, 14та туман) орқали вилоят аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда. Филиаллар компютерлар билан босқичма-босқич таъминланяпти. Даврий нашрларни ўз вақтида етказиш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 2013 йил охирида жойларда 17та замонавий кўринишдаги дўкон ўрнатилиб, Туйтепа-Пискент-Бўка-Бекобод (шаҳри ва тумани) йўналишида янги "Дамас" автомашинаси қатнови йўлга қўйилди.

Матбуотчилар жамоаси келгусида босқичма-босқич филиалларни янги автомашиналар билан таъминлаш ҳамда сўнгги талаблар даражасидаги дўконларни ўрнатишни режалаштирган.

# орзулар рўёби

## Истиқлол – янгича ишлаш демак





Мустақиллик биз — почта соҳаси вакилларига янгича ишлашни ўргатди. Аввало меҳнатга муносабат, масъулият ўзгарди. Негаки биз ҳам халқаро майдонга чиқдик, Бутунжаҳон почта иттифоқига аъзо бўлдик. Ахборот технологиялари тараққиёти почта соҳасида ҳам ижобий бурилиш ясади. Ўз навбатида, биз ҳам алоқа соҳасининг бир бўлаги сифатида фаолиятимизда янги-янги ахборот технологияларини татбиқ этиш ҳаракатидамиз. Ҳозир асосий хизматлар билан ёнма-ён "Пенсия" дастури, "Электрон пул ўтказмалари", "Тўловларни қабул қилиш", "Рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларининг ўтишини назорат қилиш" автоматлаштирилган тизимларини фаолиятимизда кенг қўллашимиз мижозларимизга қулайликлар яратяпти. Шу пайтгача филиалнинг 8та почта алоқаси тармоғи марказий амалиёт залларида "PAYNET" тўлов тизими йўлга қўйилди.

Филиалимизда почта алоқаси тармоқлари ва алоқа бўлимлари фаолият кўрсатаётган бино-иншоотларни ўз балансимизга олиш бўйича ишлар бошланганига анча бўлди. Шу пайтгача мавжуд 18та ПАТнинг 16таси, алоқа бўлимларининг 167таси филиал балансига ўтди ва бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Илгарилари почта соҳаси учун мутахассислар фақат Тошкент шаҳрида тайёрланган бўлса, мустақиллик йилларида вилоятлар миқёсида ҳам барча соҳалар қатори, почта мутахассисларини етиштириб берувчи ўқув даргоҳлари очилгани қувонарли ҳол бўлди. Улардан иккитаси Тошкент вилоятида бўлиб, булар — Ангрен компютер ва ахборот технологиялари ҳамда Ўртачирчиқ тумани ахборот технологиялари ва сервис касб-ҳунар коллежлари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганмиз. Ҳар икки коллежда филиалимиз ҳисобидан почта синфларини ташкил этиб, керакли жиҳозлар билан таъминладик.

**Абдукарим ИБРОҲИМОВ,**
**"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали директорининг биринчи ўринбосари**

**"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали**

| Хизматлар | 2011 й. (сўм) | 2012 й. (сўм) | 2013 й. (сўм) |
|---|---|---|---|
| Жами даромад | 7866625 | 10212102 | 11926431 |
| Хат-хабарлар | 192051 | 222671 | 270247 |
| Даврий нашрлар савдоси | 124249 | 220865 | 244270 |
| Телеграмма етказиш | 2292 | 2818 | 4320 |
| Жўнатмалар | 126485 | 171374 | 209884 |
| Пул жўнатмалари | 491280 | 652378 | 727805 |
| Пенсия тарқатиш | 4584535 | 6016946 | 6999146 |
| Обуна даромади | 630027 | 834337 | 1131043 |
| Коммунал тўловлар | 1569031 | 1474920 | 2096862 |
| Курерлик | 19183 | 27610 | 30391 |

# кутубхона

2001 йили кутубхонада "Аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази" ташкил этилди ва ушбу марказ базасида фойдаланувчилар юридик ва иқтисодий адабиётларнинг очиқ жамғармасидан "Право" ва "Норма" компютер ҳуқуқий тизимидаги ва интернет тизимидаги маълумотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

2003 йили кутубхонада "Замонавий ахборот технологиялари" бўлими ташкил этилди. Унинг негизида маҳаллий тармоққа уланган 8та компютер орқали ўзаро ахборот алмашиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, нусха кўчирувчи ва кўпайтирувчи техникалардан китобхонлар кенг фойдаланадиган бўлишди.

2010 йилнинг март ойида "TURON" ахборот-кутубхона маркази Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани, Қурувчилар кўчаси, 1-уйда жойлашган капитал таъмирланган икки қаватли, шинам, барча шароитларга эга бинога кўчирилди ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида унинг тантанали очилиши бўлиб ўтди.

"TURON" АКМнинг веб-сайти (www.turonlib.uz) ва ундаги маълумотлар базасининг мунтазам янги ахборотлар билан янгиланиб борилиши ёшларнинг ахборотга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондиришга ёрдам берибгина қолмай, уларнинг дунёқарашини кенгайтириб, маънавиятини юксалтирмоқда.

"TURON" АКМда "Йиғма электрон каталог" шўъбаси фаолият кўрсатмоқда ва КаДаТа ахборот қидирув кутубхона тизими дастури асосида электрон каталогни ташкил қилиш ишлари фаол олиб борилаяпти.

**Насиба АМАНКЕЛДИЕВА,**
**Тошкент вилояти "TURON" АКМ илмий-услубият бўлими мудири**




**"TURON" АКМ**

| | |
|---|---|
| Универсал мазмундаги жами адабиётлар | 385600 нусхадан ортиқ |
| Электрон шаклдаги адабиётлар жамғармаси | 3780 нусха |
| Даврий нашрлар сони | 1918 йилдан бери чоп этилаётган ва 97 номдаги бошқа даврий нашрлар |
| Ноёб ва нодир нашрлар | 4,5 минг нусха |

**Қўшсаҳифани Собит АҲАДОВ тайёрлади.**

**Шу йилнинг 30 июн куни Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали "Компютер тизимлари" кафедраси катта ўқитувчиси, физика-математика фанлари доктори илмий даражасига даъвогар Равшан Индиаминов томонидан "Ортотроп электр ўтказувчанликни ҳисобга олган ҳолда ток ташувчи айланма қобиқ магнитоэластиклиги назариясини ривожлантириш" мавзуидаги докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгашда муваффақиятли ҳимоя қилинди.**

# Олимнинг янги ютуғи

Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурияти "Электромагнит мосланувчанликнитаъминлаш"га доир бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг барчасига мос равишда муаммоларнинг қўйилиши ва уларни ечилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мос равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг асосий мақсади анизотроп электр ўтказувчанликли анизотроп ток ташувчи жисмлар чизиқсиз магнитоэластиклиги назариясини ривожлантириш, кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини тадқиқ қилишга имкон берувчи магнитоэластикликнинг янги синф масалаларини математик моделлаштириш ва уларни ечиш, анизотроп электр ўтказувчанлик, магнит ва диэлектрик сингдирувчанликларни ҳисобга олган ҳолда, анизотроп айланма қобиқда электромагнит эффектлар таҳлилини ўтказишдан иборат.

Тадқиқотда олинган назарий натижалар фундаментал илмий лойиҳа "Уч ўлчамли динамик эластиклик назарияси доирасидаги пластинка ва қобиқ шаклидаги конструкциялар кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатларини ҳисоблаш назарий асосларини ишлаб чиқиш" (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси хулосаси 26.06.2007й.) ҳамда "Эластик асос билан ўзаро таъсирда бўлган анизотроп пластинка ва қобиқларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатларини тадқиқ қилиш усулларини ишлаб чиқиш" (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кенгаши қарори 18.01.2008й.) лойиҳаларда ностационар механик ва электромагнит юкланишлар таъсири остида бўлган анизотроп пластинка ва қобиқларнинг деформацияланиши чизиқсиз назарияларини ривожлантиришда фойдаланилган. Р.Индиаминовнинг бу ютуқларга эришишида унинг устозлари — техника фанлари доктори, академик Тошпўлат Ширинқулов, Киев Миллий университети профессори, физика-математика фанлари доктори Леонид Молченко, физика-математика фанлари доктори, профессор Ботиржон Мардонов, физика-математика фанлари доктори, профессор Исмоил Сафаров, физика-математика фанлари доктори, Украина Миллий фанлар академияси Механика институти профессори Василий Карнауховларнинг меҳнатлари бекиёсдир.

> Олим 1993 йилда "Исследование напряженно-деформированного состояния гибких токонесущих конических оболочек в магнитном поле" мавзуидаги номзодлик диссертациясини Киев Давлат университетида ёқлаб, физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олган.

Олим 1993 йилда "Исследование напряженно-деформированного состояния гибких токонесущих конических оболочек в магнитном поле" мавзуидаги номзодлик диссертациясини Киев Давлат университетида ёқлаб, физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олган. Унинг номзодлик диссертациясидан сўнг докторлик диссертацияси мавзуси бўйича 54та илмий ишлари чоп этилган, шулардан 16таси чет элнинг нуфузли журналларида нашр қилинган.

Бугунги кунгача у 60дан ортиқ илмий мақолаларни чоп қилган ва илмий анжуманларда маърузалар билан иштирок этган. 15га яқин ўқув-услубий қўлланмаларни ёзиб, нашр эттирган.

Равшан Индиаминовга бундан кейин ҳам эл юрт хизматида янгиликлар яратишида доимо ҳорманг, деймиз.

**Абдуғафур ҲОТАМОВ,**
**"Хабар"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири**

# Тил дилларни боғлайди

**Чет тилини ўрганган ва уни мукаммал эгаллаган ёшларимиз учун бугун дунёнинг хоҳлаган эшиклари очиқдир. Ўсиб келаётган авлодни комил инсонлар бўлиб етишиши, юртимиз номини дунёга танитишлари учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратиб берилмоқда.**

Ёшларимизни шундай имкониятлардан кенгроқ баҳраманд этиш мақсадида Тошкент Гёте институти ва Республика ахборот-кутубхона маркази ўзгача ташаббусни илгари сурдилар. Андижон вилояти аҳолиси, айниқса, чет тилига қизиққан ёшлар учун Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказида жорий йилнинг март ойида институтнинг кўчма кутубхонаси ташкил этилди.

Кенг китобхонлар ҳукмига ҳавола этилган ушбу кўчма кутубхонадан жаҳон адабиётининг немис тилида чоп этилган 200 нусхадан ортиқ асарлари жой олди. Бир неча ой давомида ушбу адабиётлар андижонлик ёшларнинг ихтиёрида бўлди.

Яқинда вилоят ахборот-кутубхона марказида Тошкент ГЁТЕ институти кўчма кутубхонасининг "Тил дилларни боғлайди" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир давомида Андижон қишлоқ хўжалиги институти қошидаги тил маркази мутахассиси Мавжудахон Абдураимова кўчма кутубхона тўғрисида ўз фикрларини билдириб, кутубхонанинг нафақат ўқувчи ёшларга, балки мактабгача таълим муассасалари ёшидаги болажонларга ҳам мўлжалланган китоблар борлиги билан диққатга сазовор бўлганлигини, кўргазмадаги адабиётлар, махсус луғатлар ўқувчиларнинг немис тилини ўрганишида яқиндан ёрдам бериши ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Бундан ташқари, кўчма кутубхона ёшларимизни нафақат китобга, чет тилини ўрганишга бўлган қизиқиши ортишига, балки Германия ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида барпо этилган мустаҳкам маънавий кўприк янада мустаҳкамланишига хизмат қилди, деб ишонамиз.

**Т.ЖАВҲАРАЛИЕВА,**
**АКМ умумий ўқув зали сектор мудири**

FAXRIYLAR — FAXRIMIZ

# Ҳурмат – олтиндан қиммат

**Алоқа соҳасида ишлаш орзуим эди. Интилиб-изланиб, унга эришдим. Тошкент шаҳрига бориб, севимли касбим сирасрорларини ўрганиб қайтгач, тажрибали устозлар мактабида мустақил меҳнат илмини олдим. Берилган топшириқни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилиб, жамоа орасида ўз ўрнимни топдим.**

Институтни тугатиб келгач, ҳозирги Музработ телекоммуникациялар боғламасида турли вазифаларда хизмат қилдим. Сурхон — Шеробод чўли бағрида ташкил топган туманнинг ўзига хос муаммолари бор эди. Уни бартараф этишга ва мижозларга манзур алоқа хизмати кўрсатишга баҳоли қудрат ҳисса қўшдим. Албатта, "ҳисса қўшдим" деган сўзни осонгина айтиш мумкин. Аслида, унинг замирида кутилмаган қийинчиликларга бардош бериш, ташвишлардан бўйин товламаслик каби синовбахш сифатлар ўз ифодасини топган.

Энг муҳими, бироз машаққатли, аммо самарали меҳнатларим зое кетмади. Аҳил жамоамиз ҳурматэътиборига сазовор бўлдим. Улар катта ишонч билан боғлама бошланғич касаба уюшмаси ташкилотчиси раис этиб сайлашди. Бу ишончни ҳам жамоатчилик асосида кўнгилдагидай бажаришга ҳаракат қилдим. Йигирма йиллик фаолиятим давомида кўплаб ходимлар қабул қилинди. Меҳнат қонуни доирасидаги имтиёзлардан фойдаланишди, кўп болали, кам таъминланган оилалар қўллаб-қувватланди. Жамоанинг байрамларини уюшқоқлик билан ўтказишда бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг ўрни яққол билиниб турди.

Кўп йиллик меҳнат фаолиятим давомида ёш кадрлар билан ишлашга, устоз-шогирд анъанасига қатъий интилишга астойдил ҳаракат қилдим. Натижада ўринбосарларим орасидан эл назарига тушганлари кўп бўлди.

Ўтган ойда 60 ёшга тўлдим. Қадрдон жамоам катта ҳурмат-эътибор билан меҳнат пенсиясига кузатиб қўйишди. Ана шунда кўнглим кувончга тўлди. Ҳурматнинг олтиндан қимматлигини дилдан ҳис этдим. Ҳамкасбларим, шогирдларим энг яхши фазилатларим ҳақида суюна-суюна сўйлашди. Энди нуронийлик гаштини суриб яшаш билан бирга, севимли соҳамдаги ўзгаришлар билан қизиқиб бораман. Шогирдлар муваффақиятларидан қувониб, фарзандларим ва невараларим даврасида яйраб-яшнаб юраверaман.

***Тўра АБДУРАҲМОНОВ,***
**меҳнат фахрийси**
**Сурхондарё вилояти**

# АКТ қўл келмоқда

**"Соғлом бола йили Давлат дастури" доирасида Хоразм вилояти ахборот-кутубхона марказида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Масалан, вилоят саломатлик маркази институти, вилоят юқумли касалликлар ва тери касалликлари диспансерлари билан ҳамкорликда "Фарзандлар соғлиғи — юртимиз бойлиги" мавзуида давра суҳбати уюштирилди. Шифокорлар болаларни ҳар томонлама соғлом қилиб ўстириш, уларнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш тўғрисида сўзладилар.**

Германия давлатининг бебаҳо дурдонаси саналмиш "Эртаклар олами: ака-ука Гриммлар" бадиий кўргазмаси ҳам вилоят ёшлари орасида катта қизиқиш билан кутиб олинди. Марказда бадиий кўргазманинг ўтказилиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Ўзбек болалар ёзувчиси Ҳаким Назир таваллудининг 99 йиллигига бағишланиб "Ўзбек насрий болалар ижодкори" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Ҳаким Назирнинг "Кулиб боққан бахт" ҳикояси ва 30дан зиёд китоблари болаларнинг севимли асарларига айланган. Тадбирни ўтказишда вилоят АКМ директор ўринбосари Э.Хамидуллина, бўлим мудирлари Қ.Матчонова ва З.Машарипоалар фаол қатнашдилар.

Шунингдек, марказда шоир Болтабой Бекметов ижодига мансуб беш томлик "Озод Ватан саодати" ва Сотим Авазнинг "Ифтихор гуллари" номли китоблари тақдимоти бўлиб ўтди. Вилоятнинг таниқли шоир ва ёзувчилари асарлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Тадбир давомида ёш шоирлар ўз ижод намуналари билан қатнашдилар. Шоирлар эса ўз китобларини ахборот-кутубхона марказига ҳадя қилишди.

— Ўтган биринчи ярим йилликда марказимизда 28та мавзули кўргазма, 24та оммавий тадбирлар ўтказилди, — дейди Ахборот-кутубхона маркази директори Раҳимбой Қурбонов. — Шунингдек, марказ веб-сайти янгиланди. Икки мингдан ортиқ китобнинг электрон варианти яратилиб, онлайн кутубхонага жойлаштирилди.

Вилоятдаги 35та ахборот-ресурс маркази ва кутубхоналарга амалий ва услубий ёрдам тарқасида 12 марта чиқишлар ташкил этилди. Янгибозор ва Гурлан туманлари касб-ҳунар коллежларидаги ахборот-ресурс марказларида "Кутубхона фондларини рўйхатга олишнинг меъёрий ва услубий ҳужжатлар билан таъминланиши" мавзуида мониторинг ўтказиш учун вилоят АКМ мутахассислари чиқиш қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этилган ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган бўш иш ўринлари ярмаркасида вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳам қатнашиб келмоқда. ТАТУ Урганч филиалида ўтказилган навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркасида вилоят АКМ ўзининг иш фаолияти тўғрисида баннерлар, кўргазмалар ташкил қилди. Кўргазмада битирувчиларга электрон дисклар, видеороликлар, албом ва буклетлар тақдим қилинди. ТАТУ Урганч филиалининг бир нафар битирувчиси АКМга ишга қабул қилинди.

АКМда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда китобхонларга сифатли хизматлар таклиф этилмоқда. 41та компютер, 8та принтер, 5та сканер ва бошқа техника жиҳозлари ёрдамида мижозларга пуллик хизматлар кўрсатилмоқда.

**Нилуфар ЖАББОРОВА**
**Хоразм вилояти**

**"Фарғонаазот" очиқ акциядорлик жамияти тасарруфидаги "Кимёгар" болалар соғломлаштириш оромгоҳи Қувасой шаҳрининг Қўчқорчи қишлоғида жойлашган. Хушманзара ва баҳаво ушбу масканда ҳар йили ёзги мавсумда корхона ишчи-хизматчиларининг 1200 нафардан зиёд фарзанди тўрт босқич давомида ҳордиқ чиқаради.**

# Оромгоҳга компютерлар

Бу йил ҳам оромгоҳда болажонларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари, спорт билан шуғулланишлари, турли кўнгилочар тадбирлар ташкил этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Уларнинг тўрт маҳал овқатланишлари учун шинам ошхона мавжуд бўлиб, малакали ошпазлар хизмат кўрсатишмоқда. Оромгоҳ ётоқхоналари, ошхона, катта ва кичик сув ҳавзалари спорт майдончалари, тўгарак машғулотлари ўтказиладиган хоналар, ёрдамчи бинолар сифатли таъмирдан чиқарилди.

— Яқинда корхона томонидан 15та сўнгги русумдаги компютер жамланмаси ва спорт анжомлари болалар ихтиёрига топширилди, — дейди оромгоҳ раҳбари Охунжон Валиев. — Компютер саводхонлиги тўгараги ташкил этилиб, 20 нафар ўқувчи унда фаол қатнашиб келмоқда. Шунингдек, тасвирий санъат, рақс, моҳир қўллар, экологик маданият тўгаракларии, теннис, шахмат-шашка, волейбол, баскетбол, футбол, сузиш, енгил атлетка бўйича секциялар ишлаб турибди. Малакали мураббий ва тарбиячилар томонидан ташкил этилаётган мусобақалар, викториналар, кўнгилочар ўйинлар мавсумнинг ҳар жиҳатдан мазмунли ўтишини таъминламоқда. Оромгоҳ ҳудудида пишиб етилган мева ва полиз маҳсулотлари эса болалар дастурхонини бойитяпти. Оромгоҳ яқинидаги зиёратгоҳ ва қадамжолар, хушманзара табиат қўйнига уюштирилаётган саёҳатлар уларнинг она диёримизга меҳрини янада оширмоқда.

Оромгоҳга корхонанинг "Кимёгар" маданият саройи "АСР" рақс дастаси, қўғирчоқ театри, бадиий ҳаваскорлик жамоаси тез-тез ташриф буюриб, қизиқарли концерт дастурларини намойиш этмоқда.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

# Яйраб ўсгин, болажон!

**Ҳаётимиз мазмуни бўлган азиз фарзандларимиз учун қизғин палла. Улар мазза қилиб ёзги таътилни ўтказмоқдалар. Уларнинг яхши дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё.**

Биз бир гуруҳ ахборот-кутубхона маркази жамоаси Кармана туманида жойлашган "Ишонч" оромгоҳида бўлиб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Чиройли ва шинам хоналар, дам олиш жойлари, кутубхона, компютер, теннис хоналари, бассейн болажонларнинг севимли жойларига айланиб улгурган. Улар таътилини янада мароқли ўтказишга ҳисса қўшиш мақсадида биз ҳам қизиқарли китобларимиз ва тадбиримиз билан ташриф буюрдик. Дастлаб АКМ ҳужжатларни сақлаш бўлими мудири Л.Абдуллаева болажонларга янги китоблар ҳақида қисқача маълумот берди.

Шундан сўнг болажонлар ақлини чархлайдиган ажойиб ўйин "Имкон" шоу-дастури бошлаб юборилди. "Бахтли болалик", "Соғлом авлод", "Умид ниҳоллари" жамоалари берилган қизиқарли мантиқий, тарихий саволларга ҳамда "пантомима" шартида ўзларининг ажойиб қобилиятлари билан олқишга сазовор бўлди. Ҳар учала жамоа ҳам бир-биридан қолишмаган ҳолда иқтидорларини намойиш этишди. Иштирокчиларнинг барчасига АКМ томонидан китоблар топширилди.

**Ж.БОБОМУРОДОВА,**
**АКМ илмий-услубият бўлими мудири**

## Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458- қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"SOGD TELEKOM" хусусий корхонасининг (Самарқанд ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2007 йил 11 июлда берилган АА серияли 0002061 рақамли;

"PANSISTEM" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) телерадиодастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2010 йил 26 июлда берилган АА серияли 0003328 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2014 йил 7 июлдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-қарорига асосан лицензиядан фойдаланганликлари учун навбатдаги ҳар йиллик давлат божининг тўлов муддатларини бузганликлари сабабли:

"MEDIA COLOR PLUS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига 2010 йил 21 июнда берилган АА серияли 0003276 рақамли;

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "OPEN TECHNOLOGIES TASHKENT" хорижий корхонасининг (Тошкент ш.):

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2011 йил 14 октябрда берилган АА серияли 0003872 рақамли;
- кўчма радиотелефон (пейжинг, радиотелефонли, транкли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2011 йил 14 октябрда берилган АА серияли 0003873 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2014 йил 8 июлдан бошлаб 10 иш кунига тўхтатилди.

**ФАКТ**

■ Facebook асосчиси Марк Цукерберг далтоник, у қизил ва яшил рангларни яхши ажрата олмайди. Цукерберг кўк рангнинг барча турларини яхши кўра олади, Facebook дизайнини яратишда бу хусусият ҳам қайсидир маънода муҳим рол ўйнаган.



Мамлакатимизда ахборотлашган жамият қуриш бўйича иқтисодиётнинг турли соҳаларида, ишлаб чиқариш ва таълим тизимида кенг миқёсдаислоҳотлар олиб борилмоқда. Ахборотлаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш ҳамда жамиятнинг барча соҳаларида ундан самарали фойдаланиш борасида устувор йўналишлар белгиланаётир.

# Ахборотлашган жамият

## ва унинг ёшлар маънавиятига таъсири

Жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, АКТдан фойдаланган ҳолда жисмоний ва юридик шахслар орасида тезкор мулоқот ва ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, таълим этиладиган хизматлардан кенг қамровли фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 181-қарори асосида "Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари ҳақидаги Низом" ва "Базавий интерактив давлат хизматлари реестри" тасдиқланган. Таълим соҳасини компютерлаштириш ва автоматлаштириш, бошқарувда ахборот технологияларидан фойдаланиш борасида салмоқли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, таълим муассасаларининг ўқув лаборатория ва техник жиҳозлар, компютерлар, мултимедиали электрон ресурслар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан таъминланганлиги ҳамда масофавий таълимни жорий этиш учун етарли асос яратилганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Ахборотнинг глобаллашуви жараёнида таълим тизимини ахборот-коммуникация технологиялари билан уйғунликда олиб бориш самарали натижалар бериши айни ҳақиқатдир. Бу соҳада эришилган ютуқлар қаторига Халқ таълими вазирлиги тасаррруфида "Ахборот-таълим портали"нинг яратилиши, Мултимедия умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказининг ишга туширилиши, ZiyoNET ахборот-таълим тармоғининг ташкил этилиши ва ҳар бир таълим муассасасида ахборот-ресурс марказларининг ташкил қилиниши ҳамда уларнинг веб-сайтларини интернет тармоғига уланишини келтириш мумкин.

Бугунги кунда ахборот тарқатиш ниҳоятда замонавий қиёфага кирди. Интернет тармоғининг жадал ривожланиши жамият ҳаётини тубдан ўзгартириб, шиддат билан ривожланиб, унинг имкониятлари тобора кенгаймоқда. Масалан, 1998 йилда дунё бўйича интернетга 100 миллион одам уланган бўлса, 2008 йилда интернетдан фойдаланувчилар сони 580 миллиондан ошди. Ҳозирда уларнинг сони 2 миллиарддан ошиб кетди. Бугун интернет тармоғидан фойдаланувчилар кўпайиши билан бирга ёшлар маънавиятига таҳдид ва мафкуравий таъсирлар ҳам ошди.

Жамиятнинг ахборотлашуви даврида ёшларга маънавий таъсир ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларига гувоҳ бўлиб бормоқдамиз. Шулардан:

- ҳар қандай жараён тезкор ва катта шиддат билан содир бўлаётгани;
- жараёнларнинг кенг қамров касб этаётгани;
- мафкуравий жараёнлар ҳар томонлама ва пухта ишланган режа асосида амалга оширилаётганини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб, ахборотлашган жамиятда ёшларимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда қуйидагиларни келтиришимиз мумкин;

- дунё ривожига инсонпарварлик нуқтаи назаридан қараш;
- миллий ва умуминсоний қадриятларга таянадиган йўналишларнинг таҳлилини олиб бориш;
- ёшларда ватанпарварлик руҳини кучайтириш;
- миллий урф-одат ва анъаналарга садоқат;
- талаба-ёшларда интернет ва ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш.

Натижада эса ёшларимиз четдан келаётган ҳар бир ахборотни тўғридан-тўғри қабул қилмай, балки чуқур билимга таяниб тафаккурида гўёки синтезлаштиради, нотўғри фикрларга қарши дунёқараш шаклланади, фикран ҳақиқат учун кураш жараёни кечади, уни мустаҳкам эгаллайди, ниҳоят, ўз мустақил англанган фикрини дадил баён этади, керак бўлса уни бошқаларга ҳам тан олдиради.

**Фаррух УСМОНОВ,**
**ТАТУ Самарқанд филиали**
**"Гуманитар ва ижтимоий фанлар" кафедраси катта ўқитувчиси**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

## Грант олиш учун танлов эълон қилади

**Танлов мавзуси:** "Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда, тадбиркорликни ривожлантиришда ва аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қисмига ёрдам кўрсатишда фуқаролик жамияти институтлари билан давлат тузилмаларининг ўзаро ижтимоий шериклигини янада кучайтириш".

Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- ижтимоий шерикликнинг янги шаклларини амалга ошириш орқали ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;
